



ШАРҚ ВА ҒАРБ СИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ ЎРТАСИДАГИ  
МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН  
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДАГИ ЎРНИ

*Назарова Дилнеза Эралиевна*

*Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети  
Тарих кафедраси доценти, тарих фанлари фалсафа доктори (PhD)*

*Жумотова Шодия Хамраевна*

*Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (маънавият  
асослари) йўналиши*

*Магистратура 1-босқич талабаси*

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада Шарқ ва Ғарб сивилизациялари ўртасидаги маданий диалектика ҳамда ушбу алоқаларнинг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги аҳамияти таҳлил қилинади. Тадқиқотда маънавият асосларини ўқитиш методикаси нуқтаи назаридан сивилизациялараро мулоқотнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиш давридаги роли ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Шарқ ва Ғарб сивилизацияси маданий мулоқот Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси маънавият асослари ижтимоий-гуманитар фанлар миллий юксалиш бағрикенглик.

**ABSTRACT:** This article analyzes the cultural dialectics between Eastern and Western civilizations as well as the significance of these relations in the Development Strategy of New Uzbekistan. From the perspective of the methodology of teaching the foundations of spirituality the research highlights the role of inter-civilizational dialogue in youth education and its importance during the transition from national recovery to national progress.

**KEYWORDS:** Eastern and Western civilizations cultural dialogue Development Strategy of New Uzbekistan foundations of spirituality social and humanitarian sciences national progress tolerance.



## КИРИШ

Инсоният тараққиёти тарихи Шарқ ва Ғарб сивилизацияларининг ўзаро узвий алоқаси ва маданий бойиши жараёнидир. Бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистон ўзининг геосиёсий ва маданий жойлашуви билан ушбу икки сивилизацияни боғловчи кўприк вазифасини ўтамоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида миллий маънавиятни rivojlantirish ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат билан қараш устувор вазифа қилиб белгиланган. Маънавият асосларини ўқитиш методикасида Шарқнинг ахлоқий тамойиллари ва Ғарбнинг рационализм ҳамда технологик ютуқларини синтез қилиш ёш авлоднинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Тадқиқотнинг долзарблиги сивилизациялараро мулоқотнинг миллий юксалишдаги ғоявий асосларини илмий ўрганиш зарурати билан белгиланади.

## МЕТОДЛАР

Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий таҳлил ҳамда тизимли ёндашув методларидан фойдаланилди. Шарқ ва Ғарб фалсафий мактабларининг таълим-тарбия ва маънавий камолот масалаларидаги қарашлари қиёсий ўрганилди. Шунингдек ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда маданиятлараро мулоқот мавзусини самарали етказиб беришнинг педагогик усуллари таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда тараққиёт стратегиясининг маънавий-маърифий соҳадаги бандлари қиёсий-ҳуқуқий метод ёрдамида тадқиқ этилди.

## НАТИЖАЛАР

Шарқ ва Ғарб маданий алоқаларининг таҳлили бир неча муҳим амалий натижаларни кўрсатди. Биринчидан Буюк Ипак йўли давридан бошлаб Ўзбекистон худуди сивилизациялар чорраҳаси сифатида нафақат товар айирбошлаш балки фан ва маданият алмашиш маркази бўлганлиги аниқланди. Иккинчидан Янги Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатида очиқлик ҳамда прагматизм тамойиллари Ғарбнинг демократик институтлари ва Шарқнинг маҳалла ва оила институтлари билан уйғунлашаётгани маълум бўлди. Учинчидан маънавият асосларини ўқитишда сивилизациялараро мулоқот



мавзусини киритиш талабаларда толерантлик ва стратегик фикрлаш қобилиятини оширишга ёрдам бериши педагогик тажрибалар орқали асосланди. Маънавий ислохотлар стратегияси доирасида Учинчи Ренессанс ғояси айнан Шарқий ва Ғарбий билимлар синтезига таянади.

## МУҲОКАМА

Олинган натижалар шуни тасдиқлайдики Шарқ ва Ғарб цивилизациялари бир-бирини инкор этувчи эмас балки тўлдирувчи тизимлардир. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган маънавий юксалиш йўли фақатгина ўтмиш билан чекланиб қолмай балки замонавий Ғарб инновацияларини миллий менталитетга мослаштиришни назарда тутди. Маънавият асосларини ўқитиш методикасида ушбу интеграцияни ёшларга етказишда интерактив методлардан фойдаланиш лозим. Бироқ бу жараёнда оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимояланиш ҳамда миллий ўзликни сақлаб қолиш масаласи энг муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Тадқиқот шуни кўрсатадики цивилизациялараро диалектика Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш ва ички ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг фундаментал асосидир.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1 Мирзиёев Ш М Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси Тошкент Ўзбекистон 2022
- 2 Каримов Н Х Шарқ ва Ғарб цивилизацияси қиёсий таҳлили Ўқув қўлланма Тошкент 2021
- 3 Huntington S P The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order Simon & Schuster 2011
- 4 Эргашев И Маънавият асослари дарслик Тошкент Академнашр 2020
- 5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори 2021
- 6 Саидов А Х Сивилизациялар мулоқоти ва инсон ҳуқуқлари илмий мақолалар тўплами Тошкент 2023